

**Р**ухсат берилган фаолият турларини амалга оширишда санитария-гигиена ва дезинфекция қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Хусусан, кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик ва дезинфекцион воситалар билан жиҳозлаш, тиббий ниқоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиш, ижтимоий масофани сақлаш каби тартибларга қатъий эътибор қаратиш талаб этилади. **2**

**У**рганишимиз керак бўлган кўплаб илмлар интернет орқали ўз қалитларини чўнтагимизга беихтиёр жойлаб қўйган бўлса, бошқа томондан бу улкан хотира омбори кўпчилигимизни "текинтомоқ"қа айлантди. Электрон адабиётлар китоб тафтини унутишимизга сабаб бўлди. **3**

**Х**амма нарсада пулни тежаш оқиллик эмас, балки кириш ва чиқим мувозанатини билмаслик, унга нотўғри ёндашидир. Бой бўлишни мақсад қилган инсон нарсаларнинг ҳақиқий нархи учун пул тўлашга тайёр бўлади. **4**

*Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2020 йил  
6 июнь

ШАНБА  
№ 39 (13300)

@haqiqatonline

## Фермер ёш, хўжалик эса кўп тармоқли

**Ў**рта Чирчиқ туманида ернинг "тили"ни яхши биладиган омилкор деҳқону фермерлар кўп. Улар вилоятимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳоли дастурхони тўкин бўлишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

**“Абдували Мухриддин агро” кўп тармоқли фермер хўжалиги 2015 йилда ташкил этилган бўлишига қарамай, салмоқли натижаларга эришиб, кўпчилигини тилига тушган.**

– Асосий даромадимиз ғалла ва пахтадан, – дейди хўжалик раҳбари Мухриддин Абдувалиев. – Хўжалигимизга қарашли 153 гектар ернинг 75 гектарида ғалланинг "Тром" нави пишиб етилди. 60 гектарга эса, пахтанинг "Наманган-77" навини эканмиз. Ўтган йили ғалладан 80 центнер, пахтадан эса 35 центнердан ҳосил олдик. Бу йил ҳам экинларимиз ривож яхши. Ҳосилдорлик чакки бўлмайди. Эқидан бўшаган майдонларга пешма-пеш маккажўхори, дуккаки экинлар

### Қишлоқ мулкдорлари

ва турли сабзавотлар екамиз. Мухриддин бор-йўғи 23 ёшда. Аммо, қилаётган ишларини кўриб, қойил қоласиз. Ёш фермер хўжалигига қарашли бир қарич ерни ҳам бекор қолдирмайдди. Бундан ташқари, хўжаликда 150 бош қўй, 35 бош қорамол ва 200 дан зиёд турли ларрандалар парваришланмоқда. Ишбилармон фермернинг ҳар йилги даромадидан янги техникалар сотиб оладиган яхши одати бор. Ҳозирда хўжаликда 10 га яқин энг сўнги русумдаги трактору техникалар доимо шай ҳолда туради. Бугунги кунда хўжалик 30 нафар доимий ишчиларга эга. "Иш қайнаганда" ёлланма ишчилардан ҳам фойдаланилади.

Ишчилар қилаётган ишлари ва топаётган даромадларидан мамнунлар. Рўзгорлари бут: шу хўжаликда етиштирилаётган сабзавоту мева-чевалар билан дастурхонлари тўкин. Хўжалик раҳбари доимо уларнинг соғлиги ва муаммолари билан қизиқади. Юртимиздаги ҳозирги пандемия шароитида М. Абдувалиев хайрия ишларини янада кучайтирган. Хўжалик номидан "Юқори овул" маҳалласидаги 20 та кам таъминланган оиллага ой-ма-ой озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

**Кумуш САЛОМОВА**  
Тошкент ҳақиқати/  
Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ  
олган суратлар



**В**илоятимизда ғалла ўримига старт берилди. Жорий йилда Ҳойтаҳт вилоятининг 13 та тумани далаларида ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Вилоятда биринчилардан бўлиб Бекобод тумани ғаллазорларида ўрим бошланди. Мавсум давомида тумандаги 14 минг 800 гектар ғалла майдонларида 356 дона комбайн иштирок этиши кўзда тутилган.

### Мавсум

## Ғаллага ўроқ тушиди

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан берилган топшириққа асосан, айни кунларда мавсумни уюш-қоқлик билан ўтказиш, ўрим-йиғим даврида дон ташиш ишларига жалб этиладиган транспорт воситаларининг шайлигини таъминлаш, давлат рақами белгиларини ечиш ва ва туман номи кўрсатилган ҳолда "Ғалла – 2020" белгисини ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, вилоятда ғалла мавсумини ўз вақтида, уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда ҳосилни нобудгарчи-



ликсиз ўриб-янчиб олиш ва қабул пунктларига етказиб берилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилди.

**Маълумот ўрнида:** вилоят транспорт бошқармаси вилоят ички ишлар қармаси вилоят ички ишлар, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, "Ўзнефтмаҳсулот"нинг вилоят бўлими мутахассислари билан биргаликда ғалла майдонларида мавсумни талафотсиз ўтказиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Вилоят транспорт бошқармаси  
Ахборот хизмати

### Мавзуга доир

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида вилоят Қизил Ярим ой жамияти, Адлия бошқармаси ҳамда **ПИСКЕНТ** тумани Савдо-саноат палатаси Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази томонидан тумандаги эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик совгалари тақдим этилди. "Бекобод", "Майлобод", "Саидобод", "Ҳолиқберди" ва "Дўнг-қўргон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 21 хонадонга борилиб, одамларнинг муаммо ва эҳтиёжлари ўрганилди. Уларга "AKTIV PROFIL" МЧЖнинг махсус совгалари топширилди.

**ОЛМАЛИҚ** шаҳрига коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги ишларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари О. Тожиёв, А. Назирқулов ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари А. Умаралиев ташриф буюришди. Улар шаҳарда пандемиянинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, махсус штаб аъзолари билан суҳбатлашди, керакли тавсия ва кўрсатмалар беришди.

## Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Кун тартибидagi масала бўйича вилоят ҳокими Рустам Холматов сўзга чиқди.

Вилоят ҳокими ўз сўзида шаҳарда кейинги пайтда йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича жорий ислохотларни ўз вақтида

ва юқори савияда ижро этиш сингари масалаларда йўл қўйилган камчиликларни танқидий таҳлил қилди.

Шу пайтгача шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келган Одилжон Жўраев лавозимидан озод этилди.

Оҳангарон шаҳар ҳокими лавозимига Эшонқулов Аҳром Жўраевич тасдиқланди.

## Вилоятимизда коронавирус пандемияси сабабли жорий этилган карантин пайтида ҳудудларнинг тоифаланиши тўғрисида маълумот

### Вилоят ҳудуди қуйидаги тоифаларга ажратилган:

Тоифа	Ҳудудлар	Сони
"ҚИЗИЛ"	Бекобод шаҳри Зангиота тумани Қибрай тумани Паркент тумани Чиноз тумани Юқори Чирчиқ тумани Янгийўл тумани Тошкент тумани	8 та
"САРИҚ"	Ангрен шаҳри Чирчиқ шаҳри Нурафшон шаҳри Янгийўл шаҳри Оққўргон тумани Бекобод тумани Бўстонлик тумани Куйи Чирчиқ тумани Ўрта Чирчиқ тумани	9 та
"ЯШИЛ"	Олмалик шаҳри Оҳангарон шаҳри Оҳангарон тумани Бўка тумани Пискент тумани	5 та

Касалланганлар 343 нафар (сўнги 10 кунда 37 нафар фуқарода касаллик аниқланган). Соғайиб реабилитация ва яшаш манзилларига юборилганлар 264 та, 77 нафар касалланганлар даволанмоқда, 2 нафари вафот этди.

Стационар карантинга олинган фуқаролар 14 минг 728 нафар, уй шароитида карантинга олинганлар 5 минг 954 нафар (1 минг 156 та хонадон)ни ташкил этмоқда.

Тошкент вилояти тезкор штаби маълумотларидан

### Яхши хабарлар

## Янги корхона иш бошлайди



**ҚИБРАЙ** тумани, "Янгийўл" маҳалласида жойлашган "LIWAYWAY FOOD" масъулияти чекланган жамиятининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаш арафасида.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов туманга ташрифи чоғида, туман ҳокими ва бошқа масъуллар ҳамроҳлигида мазкур корхона лойиҳаси билан танишди.



## Бир йўла икки шифо маскани



**Б**екобод туманининг Навоий номли ҳудудида янгидан қурилиб, замонавий жиҳозланган қишлоқ оилавий поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, "Ёш маросимида туманлик-2" маҳалласида ҳокими, маҳалла оқ-ҳам янги қишлоқ соқоллари, туман врачлик пунктининг очилиш маросими бўлди.

Иккала шифо масканининг очилиш маросимида туман аҳоли вакиллари қатнашди.

# ҚУРИШ СИЗДАН, МАҲСУЛОТ БИЗДАН

**М**амлакатимизда инвестицион муҳитни тақомиллаштириш, иқтисодийнинг турли соҳаларига хорижий ва миллий сармояларни жалб этиш, ишбилармонлик иқлимни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ангрен эркин иқтисодий зонасида ташкил этилган унаб йирик корхоналарда юқори технологияли ишлаб чиқариш субъектларини яратишга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли турмушини янада яхшилашга хизмат қилади.

Мазкур корхоналар орасида юқори унум билан ишлаётган "Great wall ceramic industries" масъулияти чекланган жамият шаклидаги ўзбек-хитой қўшма корхонаси сопол плитка ва сантехника буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Корхонамиз энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, — дейди корхона раҳбари Махмуджон Мамажонов. — Ўзидан қолар гап йўқ, ҳозир қурилиш материаллари



ва жиҳозларига талаб юқори. Вилоятимиз ҳам катта қурилиш майдонига айланган: кўп қаватли уйлар, маданий-маиший бинолар, кўпригу йўллар. Мазкур қурилиш объектларида асосан маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилмоқда. Корхонамиз бир кунда 8 минг метр сопол плитка ва 3 минг дона сантехника буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга. 600 та иш ўрни ташкил этганмиз. Шунингдек, корхонамизда бир гуруҳ хитойлик мутахассислар ҳам ишлашади. Улар учун барча зарур шароитлар



яратилган. Албатта, ҳозирча коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият туфайли режаларимизга бир оз ўзгариш киритишга тўғри келди. Аммо, карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ишлашда давом этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, корхонада иш юритиш жаҳон стандартлари талабларига мос, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этилган. Барчаси раҳбариятнинг қатъий назоратида.

— Иш бошлаган биринчи кунимизда ноқ экспортни йўлга қўйишни мақсад қилганмиз, —

дея суҳбатни давом эттирди М. Мамажонов. — Карантин чекловлари бекор қилингандан сўнг маҳсулотларимизни Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қиламиз. Улар томонидан, айниқса, чиройли дизайнда пишиқ ишланган сантехника жиҳозларига талаб катта. Ниятимиз, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, маҳаллий ва дунё бозорларида ўз ўрнига эга бўлиш.

**Кумуш САЛОМОВА**  
Тошкент ҳақиқати/  
**Ҳ УБАЙДУЛЛАЕВ**  
олган сурат

**Н**урафшон шахрида пандемия пайтида фаолиятини тўхтатган корхоналар карантин талаблари юмшатиладиганидан сўнг иш жараёнини тиклади.

## “ДЕГАНТЕПА” ПОЙАБЗАЛЛАРИНИ ТЕПИБ-ТЕПИБ КИЯСИЗ...

Шаҳарнинг “Дегантепа” маҳалласида жойлашган “Technoly Group Azif” масъулияти чекланган жамиятида турли дизайнда оёқ кийимлари ишлаб чиқарилади. Иш унумдорлигини ошириш ва сифатли



маҳсулот яратиш мақсадида корхона замонавий ускуналар ва энергия тежайдиган технологиялар билан жиҳозланган. Бугунги кунда бу ерда 20 дан ортиқ ишчи меҳнат қилаёпти, уларнинг аксарияти ёшлар.

Ҳозирча корхона маҳсулотлари пойтахт ва Тошкент вилоятида ўз харидорларини топиб улгурди. Келажакда корхона ишлаб чиқариш қувватини босқичма-босқич ошириб, республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам маҳсулотларини сотиш ниятида.

**Ўз муҳбиримиз**  
**Равшан МИРЗАКУЛОВ**  
олган суратлар

## КОКОС ПЎСТЛОҒИДА ПИШГАН ПОМИДОР

**Ўрта Чирчиқ туманининг «Йўнғичқали» ҳудудидаги замонавий иссиқхонада экспортбоп маҳсулотлар етиштирилиб, хориж бозорлари расталарида чаққон сотилаётгани ҳақида эшитган чиқарсиз?**

### Қишлоқ мулкдорлари

«Йўнғичқали»дан ўтиб, «Оқота» сари одимласангиз, чап тарафингизда мўъжазгина иссиқхона кўриниш беради. Бу «Farovon hayot kaliti» масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона. Ичкарига кирганимизда ишчилар терилган помидорларни картон қутиларга жойлаштираётган экан. Улар учун шароитлар, иссиқ оват ва бошқа қулайликлар етарли. Бизни иссиқхона раҳбари Улугбек Шодибоев қаршилади.

— Узимни кўп соҳага уриб кўрганман, аммо, ризик-насибамиз ердан экан, — дейди У. Шодибоев. — 2016 йилда иссиқхоначиларни миридан-сиригача ўрганишга киришдим. Хорижлик ҳамкорлардан кўп нарса ўргандик. Эндиликда қишнинг чилласидан то ёзнинг чилласига қадар элимиз дастурхонига сифатли помидор етказиб бераёلمиз.

Шу пайт иссиқхона агрономи Темур ака Йўлдошев келиб қолди.

— Икки гектарлик иссиқхонамизда помидорнинг «Pink paradise» («Пушти жаннат») нави етиштирилади, — дейди Темур ака. — Бу иссиқхонага



2017 йил октябрда илк экин-ни экиб, 2018 йилда биринчи ҳосилни олганмиз. Ҳозирги экинни ҳам октябрда қадаганмиз. 7 ойдан бери ҳосилни олаёلمиз. Бу помидорлар кокос пўстлоғида пишади. Мазкур технология Шри-Ланка тажрибасига асосланган. Томчилатиб сугориш технологияси эса оби ҳаётни тежаш имконини беради. Қолаверса, барча агроимевий ишлов ва дорилар гидропоника усулида амалга оширилади.

Мазкур жамият тижорат банкидан қарийб 2 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит олиб, яхши ниятлар билан хайрли ишларнинг бошини тутган. Бугунгача иссиқхонада етилган бу йилги ҳосилнинг тахминан 200 тоннаси МДХ мамлакатларига экспорт қилинди.

**Отабек ИСРОИЛОВ**

**Одатда, мамлакатимизда иссиқхоналар плёнка асосида бунёд этилар эди. Бироқ, вилоятимизда иссиқхона қуришнинг мутлақ**

**янгича услубига қўл урилди: бу – ойнали иссиқхона. У мамлакатимиздаги биринчи ойнали иссиқхона бўлади.**

Дарҳақиқат, Бўка туманида умумий майдони 5 гектарда Голландия усу-

лытада ягона ҳисобланади. Уни барпо этишда голландиялик технолог ва агрономлар иштирок этишяпти. Лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш қувва-

Табии савол туғиланади: ойнали иссиқхонанинг плёнкалигидан фарқи нимада? Аввало, ойнали иссиқхонанинг шишаси тобланган бўлиб, унинг ёруғлик

ган ойналида эса агар у ҳар йили тозалаб турилса, 30 йил бир хил ҳосил олиш мумкин. Шу билан бирга, ойнали иссиқхонада намлик кам ёки уни осон бошқариш мумкин. Намликни йўқотишга эса ёқилги кам сарфланади. Намлик кўпайиб кетиши натижасида кўчатларда касалликларга чалиниш мойиллиги ортади. Кўчатлар касалликларга чалинганда, уларга қарши кимевий дорилар ишлатилиши керак. Ойнали иссиқхонада эса бунга кетадиган харажат камроқ.

Голландиянинг «Delflandasia BV» компанияси нафақат ойнали иссиқхона қуриш, балки «Bilancia BV» компанияси билан ҳамкорликда йилига 1 гектардан 400-500 тоннагача помидор ёки бодринг ҳосили олишга ёрдам беради.

Энг асосийси, умуман химикат ишлатмасдан зараркундаларга қарши табиий усулда курашилади. Масалан, помидорларни чанглатишда чанглатувчи арилардан фойдаланилади. Пировадиди, биологик тоза маҳсулот, хусусан, зарарсиз сабзавот ишлаб чиқарилади. Бу албатта, бозордаги маҳсулотларга нисбатан қимматроқ, экспортда ҳам валюта тушумини оширади.

**ЎЗА**



## Янгилик: Ойнали иссиқхона қурилмоқда

лида мева-сабзавотлар етиштиришга ихтисослашган ойнали иссиқхона барпо этилаётган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,6 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, бу ерда гидропоника технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Мазкур иссиқхона олдингиларидан энергияни тежаш, чикиндиси фаолият юритиш, 100 фоиз Европа стандартига мос экологик тоза маҳсулот етиштиришга мўлжалланганлиги билан фарқ қилади. Ушбу технология нафақат экологик, балки ҳосилдорлиги юқорилиги билан ҳам машҳур. Иссиқхонанинг экин майдони 3 гектар бўлиб, қолган қисмида компьютерлашган бошқарув хоналари, резерв генераторлар жойлашади. Барча ускуналар Голландия ва Германиядан келтирилмоқда.

Бундай иссиқхона ви-

ти жами 1 минг 500 тонна. Бу ерда 40 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланади. Эътиборли жиҳати, қурилиш ишлари жорий йилнинг март ойида бошланган эди. Объектни август ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Маҳсулотларни АҚШ, Германия ва Польша давлатларига экспорт қилиш режалаштириляпти.

ўтказувчанлиги 89-91 фоиздан иборат. Плёнка остиди иссиқхонанинг ёруғлик ўтказиши биринчи йили 85, кейинги йиллари эса 65-70 фоизга тушиб кетади. Голландия мутахассисларининг фикрича, 1 фоиз ёруғлик 1 фоиз ҳосил дегани. Демак, плёнка остиди иссиқхонада ёруғлик камайиб бориши боис, 20-25 фоиз кам ҳосил олинади. Тоблан-

## КУТИЛМАГАН СОВҒА

**К**улайлик

Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси яхши ташаббусга қўл урди.

Хусусан, Оҳангарон тумани ФХДЭ ҳамда Васийлик ва ҳомийлик бўлими масъул ходимлари туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, 10 нафар чақалоқнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларини уларнинг ота-онасига сайёр тарзда, яъни уйларига келиб топширишди.

Ҳозирги пандемия шароитида кўрсатилган бундай сайёр хизматдан ота-оналар жуда мамнун бўлишди.

Маълумот ўрнида: 2020 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Оҳангарон туманида 691 нафар чақалоқ туғилган бўлса, уларнинг 351 нафари ўғил, 340 нафари эса қиз болалардир. Болалар байрами кунинда яна иккита ўғил чақалоқ дунёга келди.

Дарвоқе, карантин чекловлари давом этаётган шу кунларда фуқароларнинг ФХДЭ биноси олдида тулпанмаслиги мақсадида кўрсатилаётган бундай сайёр хизматларни фақат қўллаб-қувватлаш керак.

**Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими**

## РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ БИЛАН КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЮМШАТИЛМОҚДА

**5 июндан бошлаб “сарик” ҳудудларда куйидагиларга рухсат берилди:**

• меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар, бошқа дам олиш масканлари ва жойлаштириш воситалари фаолиятига (хостеллар бундан мустасно);

• уй меҳмонхоналари ва солиқ органларида рўйхатдан ўтган дала ҳовлилар (дачалар) фаолиятига (фақат оилавий меҳмонларга хизмат кўрсатиш учун);

• меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар, бошқа дам олиш масканларида жойлашган ҳамда очик ҳавода хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) фаолиятига;

• “яшил” ҳудудларда “сарик” ҳудудларга қўшимча равишда:

- индивидуал шугулланиш учун тренажер заллари ва бассейнлар фаолиятига;
- таълим марказлари, тўғрақлар (10 кишидан кўп бўлмаган гуруҳ ташкил этиб, вақтини олдиндан келишган ҳолда) фаолиятига;
- маданият объектлари (театрлар) фаолиятига, индивидуал ва жамоавий релетициялар ўтказиш шартли объектлари (30 кишидан кўп бўлмаган), томошабинлар ва таширф буюрувчиларга рухсат бермаган ҳолда, спектаклларни онлайн режимда ёки телевидение орқали трансляция қилиш йўли билан рухсат берилади;

**8 июндан фақат “яшил” ҳудудларда:**

• диний ташкилотлар фаолияти тикланади (жамоавий диний маросимлар (жума намози ва бошқаларни) ўтказмаслик талаб этилади).

**15 июндан бошлаб “яшил” ва “сарик” ҳудудларда:**

• умумий овқатланиш объектлари фаолиятига;

- фақат хусусий боғчалар фаолиятига рухсат берилади. Давлат боғчалари фаолияти эса Мактабгача таълим вазирлиги жадвали асосида 15 июндан 1 июлга қадар босқичма-босқич йўлга қўйилади;
- ҳудудлар ўртасидаги автобус қатновларига;
- буюм бозорлари фаолиятига рухсат берилади.

Рухсат берилган фаолият турларини амалга оширишда санитария-гигиена ва дезинфекция қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Хусусан, кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик ва дезинфекцион воситалар билан жиҳозлаш, тиббий никоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиш, ижтимоий масофани сақлаш каби тартибларга қатъий эътибор қаратиш талаб этилади.

Республика махсус комиссияси ахбороти асосида тайёрланди

## БЎКАНИНГ APPA ОДРИНГЛАРИ

**Б**ўка туманидаги “Игамназаров Бобур Тожиқулович” дехқон хўжалигининг 10 сотих ер майдонига бодрингнинг “Орзу” нави етиштирилади. Маълумки, бодрингнинг бу тури серсувлиги, фойдалилиги ва яхши сақланиши билан жуда харидордир.

— “Орзу” дургаининг асосий хусусияти — тез ўсиб, мўл ҳосил беради, — дейди хўжалик раҳбари Гулзахира Карамандиева. — Кўчатлар асосий майдонга экилгандан кейин ўсимликлар бир ҳафта ичида сўриларга боғлаб чиқилади. Акс ҳолда ўсимлик эгилиб қолиб, ҳосил камаёди. Ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминловчи омиллар — ўсимликка шакл бериш ва вақтида озиклантириш. Керакли агротехник тадбирлар

ни тўғри бажарганимиз эвазига ҳозиргача 2 тонна бодринг териб олдик. Аммо, ҳали ҳосил кўп. Шу сабабли, “Жағалбайли” маҳалласи аҳолисини ёрдамга чақирганмиз.

Шунингдек, Гулзахира она ўғли Шахриёр билан ўзларига тегишли яна 15 сотих ерда Голландиянинг “Лоджейн F1” сортли помидорини ҳам етиштиришмоқда. Айни кунда уларга ҳам ранг кириб қолган.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВА**



Назорат

Бағрикенглик

ҲАР БИР БОЛАГА МЕХР, ЭЪТИБОР!

Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан агроинспекциянинг вилоят бошқармаси ва унинг туман-шаҳар бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида муайян ишлар бажарилди. Жумладан, соҳа мутасаддилари ва ходимлар қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли ўртасида агросаноат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик экинларини экиш, парвартириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳамда бошқа йўналишларда фермерлар ва соҳада фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдамлар берилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ташаббусига кўра, Зангиота туманидаги 24-сонли вояга етмаганлар жазони ижро этиш колониясида жазони ўтаётганлар аҳоли ўрганилди.

Жумладан, муассасанинг 2 нафар тарбияланувчиси содир этган жиноятларидан пушаймонлиги, тегишли хулоса чиқариб, тўғри йўлга кирганини ҳамда ижобий таъсирланганлиги инobatта олиниб, тайинланган жазо турини муддатидан олдин енгилроғига алмаштириш ҳақида судга тақдимнома киритилди. Суднинг ажримига асосан, ушбу муассасанинг 2 нафар тарбияланувчисига тайинланган жазо турини енгилроғи билан алмаштирилиб, улар ота-оналари бағрига қайтишди.

Шунингдек, муассасада ўқув машғулоти туганганини инобатга олиб, тарбияланувчиларнинг қизиқишлари ўрганилди, болалар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши ҳолатларига ҳам эътибор берилди. Жумладан, уларнинг бўш вақт-отанама раҳмат эшиттирадиган фарзанд бўламан.

ларини самарали ташкил этиш учун ўзлари ёқтирган спорт ва турли касб-хунар тўғрисида фаолият қилиб қаражатда ташкил этилганга аҳамият қаратилди. Тарбияланувчиларнинг вақтларини самарали ўтказиш, соғлигини мустаҳкамлаш борасида тавсиялар берилиб, уларнинг ҳар бири давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигида эканлиги таъкидланди.

ЎЗБОШИМЧАЛИКЛАРГА ЧЕК ҚУЙИЛДИ

Шунингдек, ҳисобот даврида жами 1 минг 872 та назорат тадбири (шундан 7 таси текшириш) ўтказилди. Унда аниқланган қонуنبузилиш ҳолатлари юзасидан 355 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 73,3 млн. сўм маъмурий жарималар қўлланилди, шундан 69 млн. сўм ундирилган. Қонуنبузилиш ҳолатлари бўйича тўлланган ҳужжатлар 11 та ҳолатда прокуратура органларига, 66 та ҳолатда судларга юборилган.

Қолаверса, юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун 1 минг 362 та оғоҳлантирув ва 19 та ёзма кўрсатма ҳамда назорат тадбирларида аниқланган қонуنبузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларга яна йўл қўйилмаслиги учун жами 22 та тақдимнома киритилди. Тақдимномаларнинг 8 таси маҳаллий ҳокимликлар, 7 таси вазирлик ва унинг қўйи тизимлари, 7 таси турли корхона-ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, кейинги йилларда юртимизда уруғчилик ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Инспекция ходимлари ҳам уруғларнинг етиштирилиши ва таъминотини доимий назорат қилиб боришмоқда. Хусусан, уруғчилик йўналишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бажарилиши лозим бўлган тадбирларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида 7 та тақдимнома киритилган ва 268 та оғоҳлантирув берилиб, шундан 29 та кластер, 192 та фермер хўжаликлари ва 32 та бошқа ташкилотлар оғоҳлантирилган.

Шунингдек, инспекция томонидан қишлоқ хўжалиги мўлжалланган сув ресурсларини назорат қилиш бўйича мониторинг ўтказилганда жами 50 та қонуنبузилиш ҳолатлари аниқланди. 30 та ҳолатда маъмурий ишлар қўзғатилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 11,9 млн. сўм жарима қўлланилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг назорат қилиш жараёнида 106 та ҳолатда 11,26 гектар май-

донда ноқонуний (ўзбошимчалик билан) эгаланган ер майдонлари аниқланиб, туман бўлиmlари томонидан 25 та маъмурий иш қўзғатилиб, 7 млн. 575 минг сўм жарима қўйилган. 64 та ҳолатда эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, маъмурий жарималар қўлланилган. 64 та ҳолатда эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, маъмурий жарималар қўлланилган. 64 та ҳолатда эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, маъмурий жарималар қўлланилган.

Уттан ҳисобот даврида агроинспекция ходимлари томонидан жами 5 минг 961 та техника мажбурий техник кўриқдан ўтказилди. 1 минг 791 та давлат рақами, 2 минг 51 та техника паспорти, 719 та техника гувоҳнома-си, 946 та техника трактор-машина-шнинг гувоҳномаси берилди. Бундан ташқари, 2 минг 797 та қишлоқ хўжалиги техникаси давлат рўйхатидан ўтказилди.

Таъкидлаш кераки, агротехник тадбирлар, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникаларга кўрсатилган хизматлар бўйича жами 1 млрд. 223,5 млн. сўм пул тушуми таъминланган.

Шунингдек, агротехник тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш борасида жами 109 ҳолатда кластер, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида 205 минг 27 гектар майдонлар ўрганилди. Шундан, 23 минг 302,4 гектар майдонда агротехник тадбирлар сифатсиз ўтказилгани аниқланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2 минг 770 та тадбир амалга оширилиб, 355 та кўрсатма ва 109 та оғоҳлантирув берилиди.

Уттан тўрт ой давомида бошқармага жамий 12 та мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

**Жума ҚАЮМОВ,**  
Инспекциянинг вилоят бошқармаси ташкилий назорат ва таҳлил бўлими бош инспектори

Маълумки, бугунги кунда бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам энергия ресурслари етишмаслиги масаласи ўткир муаммолардан бирига айланган. Шу боис, юртимизда

Хусусан, Президентимиз жорий йилнинг 4 май куни ёқилғи-энергетика тармоғида самарадорликни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан ўтказган йиғилишида: "Қайта тикланувчи энергия манбалари – ҳали тўла фойдаланилмаётган улкан резервлардан бири. Албатта, бу йўналиш бошида катта харажат талаб қилади. Лекин, бу келажакда табиий газ ва нефть танқислигини ҳал қилиш, истеъмолчилар учун эса сарф-харажатларни камида 2 баробар тежаш имконини берса, ўзини оқлайди. Мисол учун, агар 150 мингта хонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб. метр табиий газни тежаса бўлади", – деб таъкидлади.

Мазкур муаммони амалдаги барча ёқилғи ва энергия манбаларидан омиқкорлик билан фойдаланиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Айниқса, замонавий биоэнергетика технологиялари ичида биогаз ишлаб чиқаришни ривожлантириб, катта фойда кўриш мумкин.

Афсуски, бу соҳа мамлакатимизда ўнчалик оммалашмапти. Хусусан, Ўзбекистоннинг умумий энергия тизимида биогаз улуши 1 фоизга ҳам етмайди. Бунга бир неча сабаблар мавжуд. Биринчидан, тасаввурда газ ва нефтьлар туганмас хазинадек. Иккинчидан, биоэнергетикани ривожлантириш концепцияси ҳали тасдиқланмаган. Учунчидан, уни ривожлантириш бўйича айрим меъёрий ҳужжатлар, имтиёзлар қабул қилинмаган бўлиб, бу ишлаб чиқарувчилар учун биоэнергетика маҳсулотлари (жумладан, биогаз) сотиш учун кафолат берилмаганидир. Бундан ташқари, мута-садиллар ушбу қайта тикланувчи электр манбасининг маҳаллий шароитда яратилган янги технологияларини қўллашга етарлича қизиқиш билдиришмаяпти.

Ҳозирда мамлакатимизда биогаз қурилмаларининг сони (ҳар хил қувватли) 100 тани тақриб 10 та сувратларда кўпаймапти. Бу шундан далолатки, катта имкониятлар бўлишига қ-

рамай, республикада биогаз қурилмалари бўйича дастурларда белгиланган режалар бажарилмаяпти.

Шу ўринда Хитой тажрибасини ўрганиш ва қўллаш лозим. Бугунги кунда қишлоқ туманларида биогаз қурилмаларини жорий этишда бу мамлакат дунёда етакчи. XX асрнинг 50-йилларида қишлоқ аҳолиси уйларига 40 миллионга биогаз реакторлари ўрнатилган бўлиб,

ёқилғи-энергетика ресурсларини тежамкорлик билан ишлатиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

лазация (оқова сувлари), чорва чиқиндилари, ўсимлик қолдиқлари, ўрмон маҳсулотлари, хусусан, ўрмонда ёғоч материал тайёрлаш ва транспортда ташишдаги чиқиндилар, ишлаб чиқаришда ёғоч материал, ёғоч массалари, қоғозлар ва бошқалар биомассалар манбаи ҳисобланади.

Чорвачиликнинг бурдоқичилик хўжаликларига, ёпиқ биоларда боқилаётган йирик шохли

қайта ишланса, бу йилига 25,8 млрд. кВт/с. дан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради, шу билан бирга, 51,9 млн. тонна биологик ўғит олиш мумкин.

Шу ўринда айтиш кераки, чиқинди майдонлари, ахлатхонадаги чиқиндидан ҳам биогаз ишлаб чиқарса бўлади. Ҳозирда кўп мамлакатларда, биогаз олиш мақсадида, чиқиндиларни



Таннархни 20 фоизга камайтириб, маҳсулот баҳосини шунчага ошириш мумкин

улардан 30 млрд. м³ биогаз олиш мумкин бўлган, шу билан бирга Хитойда биогаз саноати сони ҳар йили бир неча миллионга кўпайиб бормоқда, унда 60 минг киши иш билан таъминланган.

Юртимизда бундай қурилмаларни қўллаш, гўнг, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга чиқарадиган иссиқхона газларини 25 фоизга камайтириши мумкин. Гўнг ва чиқиндини тўғридан-тўғри ёқиш ёки газлаштириш технологиялари ёрдамида биогаз ишлаб чиқариш им-дония мавжуд. Биогаздан фойдаланиб, чорва фермаларида, нафақат маблани иқтисод қилиш, ҳатто ор-тиқчасини бошқа истеъмолчиларга сотиб, фойда олиш ҳам мумкин.

Шунингдек, сув ўтларидан биодизель ёқилғиси ишлаб чиқариш ҳам қизиқарили мавзу. Бу борада шундай ихтиролар борки, уларни ўрганиб, қўллаб-қувватлаш лозим.

Биомассанинг ўзига ҳок хусусиятига тўхталадиган бўлсак, унинг нефть, табиий газ ва кўмирдан фарқи, у доимо қайта тикланувчи энергия манбаси эканлиғидир. Қаттиқ маъий, са-ноат чиқиндилари, шаҳар кана-



моллardan кўп чиқинди тўланади. Ушбу биомассадан тўғридан-тўғри ёқиш, термик парчалан-тириб, шлакка айлантириб, шиддатли жараёнда погона-ма-погона буғлатиш йўли билан, ёқилғини газлаштириш, анаэроб ферментлаш ва бошқа усулларда энергия олиш мумкин.

Чорвачилик сектори, маълум ҳажмда органик чиқинди ишлаб чиқариб, биогаз ишлаб чиқариш учун 8,9 млрд. м³ ресурслар им-кониятига эга бўлиб, йилига 6,4 млрд. м³ табиий газ ўрнини на-зарий техник имконият) босиш (тежаш) қобилиятига эга. Агар, фақат чорвачилик чиқиндилари-нинг ўзидан олинган барча био-масса, биогаз қурилмаларида

сақлаш учун махсус қаттиқ маъий чиқиндихоналар (ТБО) қури-рилиб, унда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариляпти.

Биомассадан биоэнергетика-да кўпроқ самарали фойдаланиш технологияси бу тўғридан-тўғри ёндириш, куйдириш; пиролиз; газлаштириш; анаэроб фермент-лаб метан ҳосил қилиш; спирт ва мотор ёқилғиси олиш ва мой ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Умумий ҳолатда органик чиқин-дилардан энергия ё физик, ё кимё-вий ёки микробиологик усулда оли-нади. Микробиологик усул дунёда кен тарқалган чиқиндисиз ишлаб чиқариш – анаэроб биожитиб, био-газ олиш ҳисобланади. Биогаздан эса юқори сифатли органик ўғит

Долзарб мавзу

олиш – энг яхши натижадир. Қишлоқ ҳудудларида биогаз технологияларини кен оммалаштириш орқали, маълум даражада органик ёқилғиларни тежаш мумкин. Бироқ, юртимизда бундай технология кен тарқалмаган. Бунинг асосий сабаби, фермер ва деҳқон хўжаликларининг мазкур технологияга ишончи йўқлиғида. Ҳозирча улар қайта ишланган эко-логик соф биоўғит ишлаб чиқариб, ҳосилдорликни ошириш мумкин-лигини яхши англашмаяпти.

Республикамиз аграр сектори-да биогаздан фойдаланиш, айниқса, биогаз ишлаб чиқариш технологияси йўналиши истиқ-болли ҳисобланади. Қишлоқ хў-жалиги кластерида биогаз ишлаб чиқариш учун чорва гўнги, хўжа-лик чиқиндилари, қуруқ ўсимлик чиқиндилари ва бошқалар хом ашё вазифасини ўтайди.

Биогаз қурилмасидан фойда-ланиш жараёнида кластернинг маҳсулоти чорвачилик, деҳқончи-лик, балик маҳсулотлари, мотор ёқилғиси, минерал ўғит, иссиқлик ва электр энергияси ҳисобла-ниб, булар тўлиқ корхона шахсий эътиёжларини қондириши мумкин. Мазкур қурилмаларда қай-та ишланган органик чиқинди-лар биомассадан айланади, унинг таркибиде маълум даражада озиклантирувчи моддалар мав-жуд бўлиб, ундан биоўғит ва озика қўшимчаси сифатида фой-даланилиши мумкин. Биожити натижада ҳосил бўлган гумус материаллари тупроқнинг физик хусусиятини яхшилайди, мине-рал моддалар эса, энергия ман-баи сифатида тупроқдаги микро-организмларнинг фаолияти учун хизмат қилади, ўсимликларнинг озикланганини оширади.

Шундай қилиб, биогаз техноло-гияларидан фойдаланиш, органик деҳқончилик концепциясини амал-га оширишга имкон яратади, мине-рал ўғитлар ва гербицидларни қў-ллашга йўл қўймайди, органикнинг табиий айланганини таъминлайди. Натижада, қишлоқ хўжалиги кла-стеридаги яқиний маҳсулотнинг тан-нархи 15-20 фоизга камайтири, маҳ-сулотлар баҳоси эса 10-15 фоизга ошади.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**  
Халқаро Экология, инсон ва табиат ҳавфсизлиги фанлари Академияси ҳақиқий аъзоси, академик

Жаҳоннинг "очил дастурхон"и карантингача ва карантиндан кейин

Мобиль телефонлар ҳаётимизга кириб келганидан буён бу "сеҳрли қўллар"-сиз дақиқаларимизни ҳам тасаввур қила олмайдиган даражага келди. Айниқса, унинг "мағзи" бўлган интернет узок масофаларга

бориб-келишга кетадиган вақтни, олисдаги яқинларимизга соғинчимизни бир қадар енгиллатишда ёлғиз халоскор бўлди. Йўловчи машиналар, метро, поезд, трамвай, учоқларда ҳам у бизга беминнат ҳамроҳ бўлиб келмоқда.

Одамлар онга дадил ўрнашган интернетнинг афзалликлари кундан кун ортиб, жонимизга оро қираётгани рост. Бироқ, унинг айрим йўқотишларимизга ҳам сабаби бўлаётганини инкор қилолмаймиз. Мисол учун, ўрганишимиз керак бўлган кўплаб илмлар интернет орқали ўз қилишларини чўнтагимизга беихтиёр жойлаб қўйган бўлса, бошқа томондан бу улкан хотира омбори кўпчилигимизни "текинто-моқ"қа айлантди. Электрон ада-биётлар китоб тафтини унуттиши-мизга сабаб бўлди.

Аммо, шу кунларда у бизга қан-чалик асқатапти? Оммавий карантин, онлайн таъ-лимга муҳтожлик унинг қандай яхши тарафларини кўрсатиб бераётми? Жонли эфир, жонли ижроларнинг "жон"либ қолганлиги интернет-нинг кароматини ёки карантиннинг туҳфаси? Бу борада ёки зийли то-ифа кишиларнинг фикрлари билан ўртоқлашамиз:

– Пандемия интернетга қанчалик таъсир қилади?

– Интернет фойдаланувчиларининг бири сифатида айта оладиганим, у бизнинг ёрдамчимиз ва "имтиҳон"имизга айланиб қолган эди. Негаки, ундан бир вақтнинг ўзи-да икки хил мақсадда фойдаланиш мумкин. Ҳозир бутун дунёнинг етак-чи муаммосига айланган "Covid-19" вирусининг хавфи интернетнинг деярли ҳамма қатлам учун аҳамия-тини оширди. Рақамли мулоқотга ўтиш аввалгидан бирмунча тезлаш-ди. Агар ҳозирги вазият бўлмагани-да кўплаб мамлакатларда бўлгани каби ахборот технологияларини жор-ий этишда аҳоли ўртасида турли қаршиликларга учрашимиз мумкин эди. "Шундоқ ҳам ишга бориб кел-япмизку, бу ўзи нимага керак, қороз вариант ҳам борку", деган турли важлар кўрсатиларди. Лекин, пан-демия шунинг аниқлиги, бунинг ҳар иккиси ҳам биз учун зарур. Пайти

– Интернет маданиятини халқимиз қанчалик ўзлаштира олди, деб ўйлайсиз?

– Ҳозирда "facebook", "telegram" ва бошқа тармоқларни кузатадиган бўл-сак, минглаб, балки ундан ҳам кўпроқ гуруҳларда ижтимоий, сиё-сий, баъзан шахсий маълумотлар очикликка асосланганининг гувоҳи бўламиз. Ёки одамларнинг ўз ин-тернет аккаунтига қандай маълум-от қўйиши билмасликлари, жамоат жойларида овозли файлларни бемалол эшитиб ўтириш, турли хилдаги керак-сиз гуруҳларга ўша одамнинг ҳеч қандай руҳсатисиз қўшиб қўйилиши, соатлаб ёлғон хабарлар билан турли мавзу-ларнинг ўзаро муҳокама қилиниши ва бунинг ортидан айрим жанжалларнинг келиб чиқиши каби жуда кўп масалалар борки, бизда ҳали интернетдан фой-даланиш маданияти, интернет ахлоқи, ахборий ва медиа таълим саводхон-лиги сўст деган хулоса чиқаришимизга сабабчи бўлади. Шундан келиб чиқиб айта олишим мумкинки, карантин дав-рида ҳар биримиз виртуал жамиятда ўзимизни қандай тутишимиз кераклиги тўғрисидаги асосий сабоқни олаямиз.

**Нозима МУРОДОВА,**  
ЎЗЖОКУ проректори

– Ўзбекистондаги интернет тезлиги ва умуман виртуал жа-мият сизни қониқтирадими?

– Менинг бизнесдаги пойдеворим интернет тармоғи устига қурилган. У менинг ишдаги асосий ёрдамчи кучим десам ҳам бўлади. Хизмат юзасидан бошқа давлатларда бўлганимда юрти-миздаги ва четдаги интернет тезлиги-нинг фарқи сезилади. Шунга нисбатан айтсам, бизда тезлик ҳозирча ўнчалик қониқарли даражада эмас. Марказ-ларда ниманидир кўчириш, юбориш, бир қатор интернет тармоқларидан фаол фойдаланиш мумкин, лекин қишлоқ ҳудудларида анча-мунча қийинчиликлар туғдиради. Масалан, пойтахтда ишлаётган ёки таҳсил ола-ётганлар карантин тўғрисидаги уйлари-га қайтишган. Улар онлайн давом эта-ётган иш ва дарсларга вақтида қат-нашишга баъзан имкон топа олма-маяпти. Бундан ташқари, жаҳонда асосан видео контентлар трендга қайётганини ҳисобга олсак, қониқар-сиз ва балан нархлардаги интернет қишлоқларда яшовчиларнинг замо-навий контентлардан самарали фой-даланиш имкониятини чеклаб қўяди. Аммо, қанчадир муддат ўтгач бу ҳам ўнгланади, деган умиддаман.

– Интернет саводхонлиги ҳақи-да қандай фикрдасиз?

– Карантин инсонлар билан бирга бизнесни ҳам интернетга янада кучлироқ боғлади. Лекин, ундан тўғри ва самара-ли фойдалана олаямизми? Ҳама гап ана шунда! Ижтимоий тармоқлардаги кузатуларимдан маълумки, аудитория хали асосан бир томонлама фикрловчи, ҳар хил янги, инқилобий ўзгаришларга нисбатан иммунитетни пастроқ. Ўстай-мизми-йўқми, интернет биз яшаётган даврнинг ривожланиш синдроми. Уни ў-рганишга, ўргатишга мажбуримиз. Шундай экан, аънаваларимизга таянган ҳолда, интернет ва унга алоқадор барча тар-моқлар ҳақида мактаблардан ўргатишни бошлашимиз керак.

Ҳозирча болаларимиз телеграм, "facebook", "Instagram" орқали "чат" қи-лиш кўникмасига эга бўлишди. Лекин, бу бошланғич босқич. Уларга ўқувчилик пай-тидан турли ишончли сайтлардан тўғри маълумот олишни, бошқача айтганда, жаҳоннинг "очил дастурхон"дан керакли-гини саралаш, танлаб олишни ҳам ўргати-шимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

**Умиджон МАҲАМАДУМАНОВ,**  
Зипволф (www.zip.wolf.uz) интернет маркетинг консалтинг компанияси асосчиси

# Эзгулик масканига фишт қўйилди

Бунёдкорлик


ЎРТА ЧИРЧИК туманидаги "Кулик" маҳалласида "Усмон ота" жоме масжидининг эски биноси ўрнида иккинчи қаватли замонавий масжид қурилиши бошланди. Қурилиш кеча бино пойдеворида биринчи ниҳат қўйилди. Вилоят бош имом-хатиби Хайрулла Турматов тадбир қатнашчиларини муваффақият билан қутлади.

Туман бош имом-хатиби Абдумалик Абдусатторов мазкур масжид биноси аҳолининг хайр-эхсон маблағлари эвазига ҳашар йўли билан қурилатганини таъкидлаб, савобли ишга ҳисса қўшаётган саховатпеша инсонларга миннатдорчилик билдирди.



Маълумот ўрнида: вилоятимизда бугунги кунда 224 та жоме масжид фаолият кўрсатмоқда. Туман ва шаҳарлардаги 41 та масжидда замонавий талаблар даражасида қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. 50 дан зиёд масжидда қўшимча бино ва хоналар, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ



# Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

Ўзбекининг ўзи қизиқ, ўзидан ҳам сўзи қизиқ, дерди раҳматли Ҳожибой Тожибоев. Ўзбекининг сўзи қизиқлиги етмагандек, унинг шевалари ҳам қизиқ.

Таникли ёзувчи Каримберди Тўрамурад юртимиз кенгликлари оша эл орасида бирида айтилган сўз бошқасида бутунлай бошқа маъно ағлаштириш билан боғлиқ ҳолатларни енгил ҳажв қилиб, ихчам ҳикоялар қоралабди. Улардан бир нечасини Сиз, азиз газетхонларга ҳам илдиндик.

## "Ўйнатиб қўяди"

Анджонликлар айланиб келишни, бошқа шаҳарларни томоша қилиб келишни "ўйнаб келиш" дейдилар. "Бир ўйнаб келайлик!" деган анжонликлар ўз "эшик"ларига камида олти ойдан кейин қайтиб келишди. Ҳовли дейишмайди, "эшик" дейишди.

Анджонликлар самарқандликлар билан қанда бўлиб қолишди.

Тўйдан кейин қариндош бўлиб қол-

ган анжонлик қуда бобо самарқандлик қуда момонинг кўнгли учун бундай деди:

- Қариндош, юртинг энди, анжонларди бир ўйнатиб келай!

- Жетмишга кирганимда мен минам ўйнаганим кеп қолдим, турқинг курсин! - деди қуда момо анжонлик қуда бобони тегажонлик қилапти, деб ўйлаб. - Бобойимга шу гапингни айтсам, ўзингди роса ўйнатиб қўяди!

## "Лаълихон"

Самарқандлик қиз Анджонга келин бўлиб тушди. То анжонликларнинг шевабини тушуниб олгунча, кўп ноқулай аҳволларга тушди.

Бир кун тўйдан-тўйга юриб чарчамайдиган қайнонаси навбатдаги тўйга кета туриб, келинига тайинлади:

- Келинжон, қайсинглигингиз келса, айтинг, патнисини олиб, дарров орқадан етиб борсин!

- Ҳўп бўлади, аяжон! - деди келин.

Самарқанддан тушган келин қайсинглисини ўқидан келганида қайнонаси тайинлаган гапни айтди:

- Лаълини олиб, тезда аяжонимнинг ортидан тўй қилаётган тоғангиз-

никига етиб борар экансиз, тайинлаб кетдилар.

- Ҳўп! - деб қайсингил ҳам чиқиб кетди.

Икки соатлардан кейин: "Ҳозир ўзидан сўраймиз, қани мен келинга нима деб тайинлаган эканман?" деб қайсинглисини ва унинг Лаълихон деган қайнонасини эргаштириб келётган қайнонасини кўрган келин "Яна қовун туширдим, шекилли?" деб, кўп қовуштириб турди.

Самарқандда ҳеч ким патнис демаса, ҳамма патнисни лаъли деса, лаълини олиб бориш ўрнига қайсинглисини тўйхонага дугонаси Лаълихонни эргаштириб борган бўлса, келиннинг айби нима?

## Янгими, "енгими"?

Ғаллароллик бир боланинг тўйига Тошкентдан курсдошлари боришди.

Уша қишлоқлик қувнинг жўраси тўйга қияман деб янги қўйлақ олган экан. Тўй баъзи бошлангунча ҳам қишлоқда электр энергияси бўлмади, ҳалиги йигит янги қўйлақни шундоқ қутисидан олиб, дазмол қилмай, кийиб чиқиб кетаверди.

Табиийки, қутисидан турган қўйлақнинг буқланган жойларидаги чиқирлар қўйлақда кўриниб туради.

Тўйда бир тошкентлик бола ҳалиги қувжўранинг қўйлақини ёқасидан

ушлаб, тошкентча шевада сўраб қолди:

- Уртоқ, бу қўйлақ енгими?

Яъни тошкентлик меҳмон: "Бу қўйлақ янгими?" деб сўради. Ғаллароллик бола ҳам ўзининг шевада жавоб берибди:

- Женгимас, жоғаси.

Ғалларолликнинг устидан кулман деган тошкентлик болага: "Ёқанинг нималигини билмаган содда бунинг енг деб ўйлапти", деган ғаллароллик бола ўзича дарс бериб қўйди.

# МОҲИЯТ: АДАБИЁТ ВА ИНСОН

• **Инсонни** ген (ирсият) програм-малаштиради. Ген авлоддан-авлодга ўтади. Инсон сажиясини белгилловчи нарса атроф-муҳит эмас, балки субъект, ирсий программа. Инсон - бетақдор, йўқса, ота-онаси ким бўлса, ўша бўларди.

• **Толстойда** ўз-ўзини инкор қил-диган қарама-қаршилик бор. Кўпчилик бунинг ёзувчи дунёқарашининг чекланганлиги билан изоҳлайди. Аслида, бу нарса Толстойда "ёмонликка яхшилик орқали жавоб бер", кўринишида мавжуд ва бунинг шундай тушуниш лозим.

• **Одамлар** бошига кулфат туш-гандагина бирлашади. Бошқа пайтларда эса бирлашмайди.

• **Истеъдод** - тугма ҳодиса. Уни аямай сарфлаш керак. Сарфлашнинг орқасидан яна сарфлаш келиб чиқади. Бироқ, истеъдодга эҳтиёт бўлиб муносабатда бўлиш лозим.

• **Табиятнинг** бутун фожиясини тўлалигича акс эттириб, қабул

қилиб бўлмайди. Бунга инсон чидай олмайди. Золя буюк жасорат чега-расида фожияни акс эттирган. Ушбу ҳаддан четга чиқиш мумкин эмас. Ундан четга чиққан Золя мутлақо ҳалок бўлади.

• **Севги** - бу фожия. Чунки унда ўзликдан кечишга тўғри келади, яъни, ўзингни кимгадир бағишлайсан. Узиндан кечиш эса - бахтсизлик.

• **Бахт** балки ўткинчиликини тушу-нишдадир.

• **Инсон** фожияни тан олиши ва уни енгилга ҳаракат қилмоғи керак. Хемингуэй учун ёзиш - ҳаёт, фожияни енгил эса - яшаш эди. У жисмонан ёзолмай қолди ва ўзини-ўзи отиб ўлдирди.

• **Йўқ** нарсага ҳам "бўлиши мум-кин" деб қараш лозим. Бу ерда инсон ўзига чексиз эрк бермоқда. Инсон тугилгандан бери эркин орзу қилади. Балки инсоннинг асл моҳияти шундадир.

• **Чақалоқ** туғилиши билан қаттиқ йиғлар экан, у дунёга келганини интуитив равишда ҳис қилиб, даҳшатдан йиғлайди. Менинча, унинг тафаккури катта бўлгандаги тафаккурига тенг. Фақат у улғайгандагина мазкур тафаккур намоян бўлади.

• **Яшанинг** ўзи - фожия. Ибтидо фожия бўлсаю интиҳо фожия эса, демак, ўртаси ҳам фожия. Биз ана шу фожияни, даҳшатни енгсакки уни тушунаемиз. Йўқса, унинг қулига айланиб қоламиз. Ўз фожиясига камдан-кам одам чидайди. Фожияга бардош бериб, уни кўзга да акс эттира билган ёзувчи оз, жуда ҳам оз.

• **Энг** қийин нарса - болаликни ўзида сақлаб қолиш. Болаларда қопиб бўлмайди. Адабиётшунос ана шундай бола бўлиб фикр қилса, кўп нарса ютади.

• **Достоевскийда** Мишкин - телба, қолганлар соғ. Аслида, Мишкин соғ-у, бошқалар телба. Тальят СОЛИХОВ

### 1. Ўзига ачиниш ҳисси

Камбағалликка мойил инсонлар ўзларига ачинишади ва бой бўлиш пешоналарига битилмаган деган фикрда бўлишади. Кимдир аёл бўлиб туғилгани, кимдир семизлиги, яна кимдир бўйи, миллати, ранги, дини, кимдир эса турмуш қурмаганлиги, ёшлар тақрибсизлиги, ёши ўтганлар эса қариб қолганлиги учун ўзларини муаммолар гирдобиде деб ҳис қилишади. Агар инсон қандайдир арзимаган нарса учун кун бўйи ўзини айблаб, ачиниш ўтурса, атрофдагилар унга қандай муносабатда бўладилар? Ўзига ачиниш олға сузиши лозим бўлган ҳаёт кемасининг йўлига лангар ташлаш ва ўз-ўзини қашшоқликка маҳкум этишдир.

### 2. Хасислик

Доимий равишда арзон нарсаларни сотиб олиш, фарзандларининг яхши билим олишлари учун пулни аяш, маводо раҳбар бўлса қўл остидагиларни оз пул эвазига кўп иш қилишга мажбурлаш камбағалликка элтувчи иккинчи одатдир. Ҳамма нарсада пулни тежаш оқиллик эмас, балки кирим ва чиқим мувозанатини билмаслик, унга нотўғри ёндашишдир. Бой бўлишни мақсад қилган инсон нарсаларнинг ҳақиқий нархи учун пул тўлашга тайёр бўлади.

### 3. Ўзи ёқтирмаган иш билан шуғулланиш

Ҳолида идиш ювишни ёмон кўради, лекин ҳеч ким унга ёрдам бермайди. Камолитдин ака чорак ҳисоботини тайёрлашдан безиган, аммо бирорта ҳам ёрдамчисининг қўлидан бу иш келмайди.



Шокир аканинг аудиторлик қилгиси келмайди, аммо янги уй олиш учун ишлашга мажбур. Уларнинг барчаси ўзлари ёқтирмаган иш билан шуғулланишади. Инсон бажариши мажбур бўлган иш билан эмас, ўзига завқ бағишлайдиган иш билан машғул бўлиши керак.

### 4. Бахтни пул билан ўлчаш

Қашшоқ одам қанчадир миқдордаги пул унга қувонч келтиришига ишонади.

У кийим олиш, уй харид қилиш, саёҳатга чиқиш имкониятини берадиган пули бўлсагина ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Аммо, бахт пул билан ўлчанмайди. Саодатга эришмоқчи бўлган инсон бахтни пулда эмас, ундан анча юқори турувчи бошқа нарсаларда деб билади.

### 5. Имконият даражасидан кўра кўпроқ пул сарфлаш

Омадли бўлишни истамган инсон пулни ўз бизнесини юритишга сарфлаш билан имконият даражасидан юқори турувчи қимматбаҳо машина ёки катта ҳовли сотиб олишга сарфлаш орасидаги фарқни тушунамайди.

### 6. Дарҳол бойиб кетиш хоҳиши

Бирданига катта бойликка эришиш истаги аксарият дангасаларга хос. Улар сабр билан ҳаракат қилиш ўрнига дар-

ҳол катта пулга эга бўлишни исташади.

### 7. Ҳаётдан нолиш

Яшаш қийин. Пул топиш осонмас. Одий одамларнинг яхши яшашлари учун имкон йўқ. Келажакда ўзини қийин аҳволга солиб қўювчи кишилар мана шундай фикрлашади. Ҳаётдан нолиш

### Дарвоқе...

Ўрнига ақлни ишлатиш, қийин вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини қидириш, муваффақиятга эришишга ҳаракат қилиш лозим.

### 8. Ўзини бошқаларга солиштириш

Носир бошқа синфдошларидан кўра яхшироқ ўқигани учун ўзини улардан юқори қўяди. Комил иш тополмаётганлиги учун ўзини бошқалардан кўра қуйроқда деб ҳисоблайди. Соҳиба қўшнис Ақмак аканинг «Ласетти»сидек машинаси йўқлиги учун эрини ландавур деб

баҳолайди. Салима эса йигитлар Ҳалимага кўпроқ эътибор беришгани учун дугонасини ёмон кўради. Уларнинг барчасида камбағалликка мойил инсонларда еттинчи одат - ўзини бошқаларга солиштириш одати мумкин. Доимо ҳасад қилиб ич-эттини еб юрган яхшими ёки ташқи оламнинг ички дунё, яъни қалб устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймаган яхшими?

### 9. Бойликни пул билан ўлчаш

Ҳақиқий бой инсонлар нафақат бахт ва пул орасидаги боғлиқликни йўқота олишади (туртинчи одат), балки пулнинг миқдори ва бойлик тушунчалари орасидаги тенгликни ҳам йўққа чиқаришади. Ҳақиқий бойлик пул ишлаб топиш, йўқдан бор қила олиш, янгилик яратиб, бизнеснинг янги турларини ташкил этиш дегандир. Муваффақиятга эришишни истаган инсон пулнинг миқдорига боғланиб қолмайди.

### 10. Ўз оиласидан узоқлашиш

Омадсиз инсонларгина ўзини тушунмасликларни, яқинлари билан бир фикрга кела олмаликларини баҳона қилиб, ўз оилаларидан узоқлашишга интилишади. Улар ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам оилатини ҳақиқий суянчиқ бўлишини тушунамайди.

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Бошқа халқдан нафратланадиган одам ўз халқини ҳам севмайди.

Добролюбов

Сухут сақлаш - аёллар кўрки.

Софокл

Аёлни сева билмаган эркак дунёнинг янги, гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

Стендаль

Одатлар қанчалик кўп бўлса, озодинк пунчалар оз бўлади.

Иммануил Кант

Кўп нарсани эмас, керакли нарсаларни билган донодир.

Эсхил

Бахтни Худодан тилаш керак, ақлга эса ўзинг эришишинг лозим.

Цицерон

Кишининг жавоabiга эмас, саволига қараб баҳо бер.

Вольтер

Ақли ўрганишни яхши кўради, ақлсиз - ўргатишни.

Чехов

Бахтни бошқа биров билан баҳам кўрсанг, у қўпаяди.

Жюльен Ламетри

Ўз хоҳиш-истакларининг четарасини билмасликдан ортқик бахтсизлик бўлмайди.

Лао-Цзи

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи - 205. Буюртма Г-643. 12 073 нусхада чоп этилди. Ҳажми - 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Қабулхона: (71) 233-64-95  
Бош муҳаррир уринбосари: (71) 233-70-10  
Масъул котиб: (71) 233-90-82  
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
Эълонар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанин чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Набатчи муҳаррир **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
Назоратчи мусаҳҳих **Аллома АЗИЗОВА**  
Набатчи **Равшан БАЙЖАКОВ**